

OPPORTUNITIES TO EXPAND LOCAL TAX BASES

X.B. Boltaev

Bank Finance Academy Master's Degree

+998 93-764-20-02

Abstract

This article describes the scientific and practical basis for the formation of the state budget revenue base of local taxes. Expansion of the tax base is based on the possibility of strengthening the revenue base of local budgets through the rational use of the economic potential of the regions.

Keywords: Local taxes and fees, legal entities, property tax from legal entities, taxpayers, tax benefits, tax rate, tax calculation procedure, tax payment procedure.

Мамлакатимизда бюджет-солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожига кенг имконият яратиш мақсади мужассамдир. Хусусан, иқтисодиётда солиқ юқини янада камайтириш, солиқ солиш механизмини соддалаштириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ана шу мақсад рўёбига қаратилмоқда.

Солиқлар аксарият давлатларда бюджет даромадининг асосий манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга оқилona солиқ сиёсати ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг умумдавлат, ҳудудий ва маҳаллий дастурларини молиялаштириш воситаси ҳам ҳисобланади. Солиқ тизимидаги тушумлар даражасини эса устувор равишда иқтисодиётнинг солиқ солиш базалари белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 июль 2017 йилдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5116 сон Фармонида ҳамда «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сон фармонларини ижро этиш юзасидан, шунингдек маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш ва янги ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида 2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини

ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам маҳаллий солиқлар базаларини кенгайтириш имкониятлари ўз аксини топади.

Ҳар қайси давлатнинг солиқ бўйича қонунчилигига ва бошқа ҳуқуқий –меёрий ҳужжатларига, қолаверса миллий менталитетига кўра солиқлар турли гуруҳларга ва шаклларга ажратилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар бюджетга тўланишига боғлиқ ҳолда икки тоифага бўлинади.

- Умумдавлат солиқлар;
- Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Маҳаллий солиқлар:

1. Юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи
2. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи
3. Аксиз солиғи
4. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳукуматлар асосан аҳолига яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни, мактаб, солиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет харажатларининг 30-40 фоизини қоплайди, холос. Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоғини 50-60 фоизга етказиш каби ҳукумат қарорлари мавжуд. Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий ҳукуматлар ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар фақат шу ҳудуднинг бюджетга тушади. Бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маълумки, солиқ базаларини кенгайтиришнинг икки йўналиши мавжуд:

- ҳуқуқий
- иқтисодий.

Биринчи йўналиш «кафолатланган» бўлиб, бунда давлат ёки мавжуд солиқлар базаси таркибини кенгайтириш (яъни унга янги элементларни қўшиш) ёки бевосита янги солиқларни киритиш йўлидан боради. Мазкур ҳолатда солиқ солиш базалари фақат давлат назоратидаги, яъни ҳисобга олинган ёхуд олинishi мумкин бўлган иқтисодиёт доирасидагина ошади.

Албатта, мавжуд солиқ солиш базаларининг кенгайтирилиши ёки янги солиқларнинг киритилиши, солиқ юки ошиши ҳисобига давлат бюджети тушумлари кўпайишига эришиш мумкин. Бироқ бу йўл билан солиқ тушумларини фақат маълум бир нуктагача ошириб бориш мумкин. Солиқ юкини бундан ортиқ ошириб бориш иқтисодиётга зарар келтиради, холос. Зеро, солиқ юкининг оғирлашуви яширин иқтисодиёт ривожланишига олиб келувчи омиллардан биридир.

Юқори солиқ юки даражасининг иқтисодиётга таъсирини назарий жиҳатдан асослаб берган олимлардан бири – Грегори Менкьюнинг бу борадаги илмий қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. Менкью солиқ тушумларини ялпи сотиш ҳажми ва солиқ юкининг ҳосиласи сифатида назарий жиҳатдан ўрганди.

Яъни:

$$R = T \times Q$$

Бунда: R – давлат бюджетига солиқ тушумлари;
 T – солиқларнинг меъёри (юки, интеграл ставкаси);
 Q – ялпи сотиш ҳажми.

Таъкидлаш жоизки, солиққа тортиш жараёни иқтисодиётда бежиз кечмайди. Киритилган ҳар қандай солиқ бир томондан товарлар нархини оширса, бошқа томондан ишлаб чиқариш кўламига албатта, таъсир кўрсатади. Менкьюнинг таъкидлашича, солиққа тортиш минимал даражада бўлса, давлат бюджетига солиқ тушумлари у қадар катта бўлмайди. Бу ҳолатда йўқотилган ижтимоий фойда ҳажми давлат бюджетига солиқ тушумларига нисбатан анча катта бўлишини чизмадан кўриш мумкин.

Иқтисодиётда солиққа тортиш даражаси таҳлилидан қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин:

Тушумни кўпайтириш учун солиқлар базасини ҳуқуқий кенгайтириш ёки солиқ ставкаларини кўтариш лозим. Яна ҳам аниқроғи, солиқ юкини ошириш эмас, балки иқтисодиётда солиқ солиш базаларини кенгайтириш лозим. Бу, юқорида таъкидлаганимиздек, солиқ солиш базаларини кенгайтиришнинг иқтисодий йўналишидир. Мазкур йўналишнинг ўзида ҳам давлат икки томонлама йўл тутиши мумкин.

Бир томондан, мавжуд солиқ тўловчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларига қулай солиқ муҳитини таъминлаш, уларнинг бизнеси ривожланиши ҳисобига солиқ солиш базаларини кенгайтириш. Мамнуният билан таъкидлаш жоизки,

мамлакатимизда бу борада эътиборга молик ишлар қилинди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида чуқур ислохотлар амалга оширилди.

Иккинчи томондан, иқтисодиётдаги норасмий даромадларни солиққа жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш эвазига давлат солиқ базаларини кенгайтириш мумкин. Ҳисоби юритилмаётган ёки назоратга олинмаган даромадларнинг катта қисми эса хуфёна иқтисодиётда шаклланади. Маълумки, ҳар қандай жамиятда хуфёна иқтисодиёт расмий иқтисодиёт билан параллел фаолият юритади. Фақат унинг кўлами мамлакат қонунчилиги қай даражада мукамал эканлиги, солиққа тортишдаги адолат принциплари, халқнинг менталитети каби қатор омилларга боғлиқ. Масалан, Фридрих Шнейдер ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра, иқтисодий ривожланган мамлакатларда яширин иқтисодиётнинг кўлами ЯИМга нисбатан 9–20 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда 25–65 фоизни, Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатларида эса ўртача 38,5 фоизни ташкил қилган. Бу, мамлакатлар солиқ потенциалининг худди шу фоизлар даражасида, балки ундан ҳам кўпроқ захираси мавжудлигидан далолатдир. Яъни, хуфёна иқтисодиёт расмий иқтисодиётга кўчириб борилгани сайин солиқ солиш базалари кенгайиб, мос равишда солиқ тушумлари ҳам орта боради. Умуман, жамиятда норасмий иқтисодиёт кўлами ҳамда расмий иқтисодиётдаги солиқ юки даражаси бир-бирига узвий боғлиқ. Яширин иқтисодиёт кўлами қа-нчалик кенгайиб борса, расмий солиқ тўловчилар сони шунчалик камаяди ва давлатнинг фискал юки ана шу тор доирадаги солиқ тўловчилар гарданига юкланаверади. Бу ҳам ўз навбатида, виждонли солиқ тўловчиларни расмий фаолият юритишдан бездириб, хуфёна иқтисодиёт йўлидан боришга мажбур қилади. Аксинча, оптимал солиққа тортиш даражасини шакллантириш, солиқ юкини мутаносиб ва адолатли тақсимлаш солиқ тўловчиларнинг даромадларни яширмай, ошқора фаолият юритишига имкон беради.

Солиқ механизми орқали хуфёна иқтисодиётни бартараф этиш, иқтисодиётда хуфёна сектор кўламининг кенгайиши натижасида давлат сезиларли ҳажмдаги молиявий ресурслардан маҳрум бўлади. Бу ҳолат давлатнинг фискал функцияси янада кучайтирилишини тақозо этиши табиий. Бу, қонуний фаолият кўрсатувчиларнинг аҳволини мураккаблаштириб, улар зиммасига қўшимча солиқ юкини юклайди, деганидир.

Илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига сабаб бўлувчи асосий омиллар қуйидагилар саналади. Юқори солиққа тортиш даражаси

ҳар икки тадқиқотда ҳам яширин иқтисодиётнинг ривожланишига потенциал сабаблардан ҳисобланади. Демак, солиқ юки омили мамлакатда хуфёна иқтисодиёт кучайишига таъсир қилувчи омилларнинг 35-50 фоизини ташкил қилар экан. Айтиш мумкинки, норасмий иқтисодиёт кўлами ва даражаси мамлакат солиқ тизимининг қай аҳволда эканлиги, шунингдек, солиқ хизматининг профессионализм даражасига боғлиқ. Нега деганда, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги (яъни солиқ тизими ва солиқ маъмурчилиги лозим даражада такомиллашмаган) мамлакатларда хуфёна фаолият нисбатан ривожланган бўлади. Бироқ хуфёна иқтисодиётни ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бутунлай йўқ қилиб бўлмаган. Фақат унинг кўламини қисқартириш ёки тартибга келтириш мумкин.

Яширин иқтисодиётда шаклланган ёки унга оқиб ўтган даромадларни солиққа жалб қилиш учун давлат солиқ тизими элементларини такомиллаштириш лозим. Бу, даромадларни декларация асосида солиққа тортиш механизмини кучайтириш, акцизлар ва мулкӣ солиқлар доирасини кенгайтиришни тақозо қилади. Шунингдек, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чораларини кўриш лозим. Давлат шу йўл билан илгари солиққа жалб қилинмаган назоратсиз ва норасмий даромадларни солиққа тортиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: 2017. – 104 б.
2. Исламкулов А.К. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2016 йил.
3. <https://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари.
4. <https://soliq.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси